



ИИВ АКАДЕМИЯСИДА КУРСАНТЛАР БИЛАН ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ТАРБИЯВИЙ ИШЛАР ТУРЛАРИ

Сармонов Тоҳирбек

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик

йўналиши тингловчиси, подполковник

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7854468>

ARTICLE INFO

Received: 12th April 2023

Accepted: 21th April 2023

Online: 22th April 2023

KEY WORDS

ИИВ Академияси, курсант,
таълим, тарбия,
ватанпарварлик, ички ишлар
органлари.

ABSTRACT

Мақолада ИИВ Академиясида курсантлар билан тарбиявий ишларни ташкил этиш борасида айрим мулоҳазалар, бу борада ҳуқуқшунос олимларнинг фикрлари ўрганилиб муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Тарбия андозаси ва қолипларини танлаш халқнинг менталитети ва талабларига боғлиқ бўлади. Масалан, Япониядаги педагогик қарашлар бугун ҳам бу халқнинг анъанавий ва ахлоқий қадриятларига мос келадиган маълум бир назарий ва услубий асосларга таянади[1]. Шунинг учун юртимизда тарбияга янгича, тизимли ёндашув, болада таянч фазилатларни кафолатли шакллантиришда оила, мактабгача таълим, умумий таълим, ўрта махсус касб-ҳунар ва олий таълим муассасалари, маҳаллаларнинг ижтимоий-педагогик имкониятларини тўлиқ юзага чиқаришни ва улар орасида илмий-методик узвийликни янги даражага кўтаришни тақозо этади[2].

Шу боис, ИИВ Академияси курсантларига тарбиявий ишларни ташкил этишда ҳам миллий қадриятларимиздан фойдаланган ҳолда бўлажак ички ишлар органлари ходимларни ҳар қандай шароитда давлат ва халқ манфаатларига хизмат қиладиган, миллий қадриятларга содиқ, умуминсоний қадриятларга таянадиган, ёт ва бузғунчи ғояларга мурасимсиз қурашувчи, иймон-эътиқоди ва иродаси мустаҳкам, маънавиятли ва фидойи, аждодларимиз ва мардлик кўрсатиб ҳалок бўлган ходимларнинг бебаҳо меросига таяниб яшайдиган баркамол шахс сифатида тарбиялаш, улар қалбида давлат ва халқимизнинг хавфсизлигини таъминлашда шахсий дахлдорлик ва юқори масъулият ҳиссини шакллантиришдан иборат[3].

Курсантлар билан тарбиявий ишларни олиб боришда қуйдаги тарбия турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Булар:

1. маънавий тарбия;
2. ҳуқуқий тарбия;
3. жисмоний тарбия;
4. ижтимоий-сиёсий тарбия.



Назаримизда, ушбу тарбиянинг турларини курсантларни тарбияси билан шуғулланиш давомида якка тартибда, гуруҳ билан ва оммавий шаклда олиб борилса мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Маънавий тарбия – юксак маънавиятни тарбиялаш воситаси, муайян шахс, жамоа, муайян гуруҳ, жамият, миллатда жисмоний баркамоллик, руҳий, ахлоқий, маънавий етуклик каби сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий таълим-тарбия жараёни ҳисобланади[4].

Ҳуқуқий тарбия – мунтазам олиб бориладиган аниқ мақсадни кўзланган ва шахсга таъсир эта оладиган **ҳуқуқий** онг, билим ва қонунларга риоя этиш хислатлари ёки фазилатлари тўпламидир[5].

Жисмоний тарбия – соғлиқни мустаҳкамлашга, одам организминини уйғун равишда ривожлантиришга қаратилган умумий тарбиянинг узвий қисми. Жамиятдаги жисмоний маданият аҳволини билдирувчи кўрсаткичлардан бири[6].

ижтимоий-сиёсий тарбия доирасида ходимларга ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равишда етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантирилади.

Ички ишлар органларинини бўлажак ходимларида маънавий тарбияни шакллантиришдан мақсад: курсантларнинг онгу тафаккурига Ватан ва халқ манфаатларига хизмат қилиш шарафли ва муқаддас бурч эканини англаштириш, давлатимиз ва ички ишлар органларининг тимсоллари билан фахрланиб, қасамёдига содиқ бўлиш ҳамда касбий бурчини бажаришда қонунийликка қатъий риоя этиш туйғусини чуқур сингдириш ҳисобланса. ҳуқуқий тарбия бўлса курсантларнинг келажакда ўз мансаб ваколатларидан ноқонуний фойдаланиб, фуқаролар, жамият ёки давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларига зарар етказган тақдирда қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилишини англади.

Бундан ташқари, жисмоний тарбия орқали бўлғуси офицерларни жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасининг хусусиятларидан келиб чиқиб, ички ишлар органлари шахсий таркибининг жанговар ва жисмоний тайёргарлик даражасини ошириш назарда тутилган бўлса ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қонунчилик ҳужжатлари, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тизимли равишда етказиб борилади ҳамда уларда дунёда ва ён-атрофимизда содир бўлаётган глобаллашув жараёнларига нисбатан онгли муносабат ва фаол ҳаётий позиция шакллантириш тушунилади.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, курсантларга тарбиявий ишларни олиб боришдан яна бир мақсад “таълим муассасасидан — хизматнинг охирига қадар” тамойили асосида тизимли ва узлуксиз ташкил этиш орқали уларнинг самарадорлиги ҳамда таъсирчанлигини оширишдир.

Тадқиқотчи Х.Пардаев юқоридаги тарбия турларидан ташқари, қуйидаги тарбия турларинини тақлиф этади. Унинг фикрича, курсантларга тарбия турлари қаторида миллий ва ватанпарварлик тарбиялари ҳам муҳим ўрин тутди. Ватанпарварлик тарбиясининг шакллантириш ва такомиллаштириш инсоннинг туғилишидан то



умрининг охиригача давом этадиган жараёндин. Чунки ватанпарварлик тарбияси, ёш авлоднинг замирида комил инсонни тарбиялаш вазифаси ётади. XXI асрдан бошлаб инсоният тараққиёти маънавий-маърифий жиҳатдан бой, интеллектуал авлод қўлига ўтади. “Янги минг йилликда давлатларнинг, халқларнинг тақдирини моддий бойлик эмас, интеллектуал, яъни маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади”. Бунинг айна ҳақиқат эканлигини ўтаётган даврнинг ўзи исботламоқда. Ҳуқуқий, демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, унда яшаётган

ёшларнинг миллий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш аввало, оиладан бошланади. Бунда ота-она ўз фарзандларига аждодларимиз тарихи, уларнинг қаҳрамонлиги, жамиятдаги обрў-эътибори ҳақида, Ватанни севиш ҳиссиёти билан гапириб бермоғи, шу асосида ёш авлодда Ватан туйғусини уйғотмоғи лозим. Ҳақиқий севги, ватанпарварлик – шу Ўзбекистонни севиш, халқ учун хизмат қилиш, жонини ҳам фидо этишдир. Қаерда бўлса ҳам Ватан, халқ манфаатлари учун фидокорона курашувчи кишигина ҳақиқий ватанпарвардир [7].

Фикримизча, ушбу ёндашув ҳам нотўғри эмас чунки ИИВ Академия курсантларига тарбиявий ишларни ташкил этишда ватан миллий ва ватанпарварлик туйғуси энг муҳим омил саналади. Сўзимиз исботи сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарорида аънанавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш департаментининг асосий вазифаларидан бири бу шахсий таркибни ватанпарварлик руҳида доимий равишда тарбиялаш фаолиятини амалга ошириш ҳисобланади [8].

Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги барча тарбиявий ишлар турлари ИИВ Академияси курсантларини ҳар жиҳатдан содиқ, ҳалол, ватанпарвар, фидойи, мард ва жасур ходимларни тарбиялаш билан бирга, халқимиз ўртасида ички ишлар органларига нисбатан фахр ва ифтихор туйғуларини мустаҳкамлаш, ёшларда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш, касбига бўлган ҳавас ва қизиқишларини орттириш ҳамда шу орқали ички ишлар органлари сафини мустаҳкам иродали, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган, халқ манфаатларини ҳар нарсадан устун қўядиган ёш ва истиқболли ходимлар билан тўлдириб бориш имконини яратади.

References:

1. Маманов Ж.А. Маънавий тарбия такомилда спорт ва ахлокий маданиятни уйфунлаштириш масаласи //Fan-Sportga. – 2018. – №. 3. – С. 74-78.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1059-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/4676839>. (мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-



- тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/5353841>. (мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).
4. Электрон манба: Sseo3zcS00oVhwDLahlCH2K0zthEhbaaDHLrwskg.pdf - [Яндекс.Документы \(yandex.ru\)](https://yandex.ru/) мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).
5. Электрон манба: [Хуқуқий тарбия, унинг мазмуни ва тамойиллари \(arxiv.uz\)](https://arxiv.org/abs/2304.01000). мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).
6. Электрон манба: [Жисмоний тарбия - Бу нима? - Онлайн Тиббий Энциклопедия MedLife.Uz](https://medlife.uz/). мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).
7. Пардаев Х. Ички ишлар вазирлиги академияси курсантлар ва тингловчиларининг ватанпарварлик тарбияси ва маънавий-маърифий ишларни такомиллаштириш //Евразийский журнал академических исследований. – 2023. – Т. 3. – №. 2. – С. 7-11.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сон қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/ru/docs/6364837>. (мурожаат этилган вақт: 18.04.2023 й.).